

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2023 йил 18 декабрь

Олтинсой тумани

Жиноят ишлари бўйича Бандихон туман суди, жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман суди биносида, очиқ суд мажлисида, судья М.Абдимўминовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Соатовнинг котиблигида, тарафлардан Олтинсой туман прокурорининг ёрдамчиси А.Абдуллаев, Олтинсой туман ИИО Пробаця гуруҳи катта инспектори майор Ш.Бобомуротовларнинг иштирокида, маҳкум Юлдашев Убайдулла Менгбайовичга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги Олтинсой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси тўпланган хужжатлар билан бирга кўрилиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум **Юлдашев Убайдулла Менгбайович**, 1985 йил 17 июль кунда Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2020 йил 27 май кундаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-моддаси 1-қисми, 234-моддаси 1-қисми, 235-моддаси 2-қисми “а,в,е,ж,з” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59,62-моддаси тартибида, 1 йил муддатга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 йил 23 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг 2022 йил 4 февралдаги ажримига кўра, ушбу Кодекснинг 74-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмай қолган 3 йил 4 ой 15 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Олтинсой туманидаги “Сардор” хусусий корхонасида ишчи, Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани “Шакарқамиш” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди.

Судга Олтинсой туман ИИБ бошлиғи томонидан тақдимнома киритилиб, У.Юлдашев суд томонидан тайинланган жазо муддатининг ярмидан кўпроғини ўтаганлиги, у ахлоқан тарбияланиш ва тузалиш йўлига ўтганлиги, қилган жиноятдан пушаймонлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан уни ўталмай қолган 1 йил 6 ой 8 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.



Жазо муддатининг бошланиши:	2022 йил 09 февраль
Жазо муддатининг тугаши:	2025 йил 24 июнь
Жазо муддатининг ўталган қисми:	1 йил 10 ой 7 кун
Жазо муддатининг ўталмаган қисми:	1 йил 6 ой 8 кун

Судда Олтинсой туман прокурорининг ёрдамчиси А.Абдуллаев, маҳкум У.Юлдашев суд томонидан тайинланган жазо муддатининг ярмидан кўпроғини ўтаганлиги, у ахлоқан тарбияланиш ва тузалиш йўлига ўтганлиги, қилган жиноятдан пушаймонлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан уни ўталмай қолган 1 йил 6 ой 8 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Судда Олтинсой туман ИИО Пробаця гуруҳи катта инспектори майор Ш.Бобомуротов тақдимномани қувватлаб, маҳкум У.Юлдашев суд томонидан тайинланган жазо муддатининг ярмидан кўпроғини ўтаганлиги, у ахлоқан тарбияланиш ва тузалиш йўлига ўтганлиги, қилган жиноятдан пушаймонлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан уни ўталмай қолган 1 йил 6 ой 8 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Судда маҳкум У.Юлдашев, тайинланган жазонинг ярмидан кўпроғини ўтаганлигини, қилган жиноятдан тегишли хулоса чиқариб олганини, келгусида бу каби қилмишларни бошқа такрорламаслигини билдириб, ўталмай қолган жазодан озод қилишни сўради.

Суд, ишда тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, Олтинсой туман прокурорининг ёрдамчиси А.Абдуллаев ва Олтинсой туман ИИО Пробаця гуруҳи катта инспектори майор Ш.Бобомуротовнинг тақдимномани қувватлаб берган фикрларини тинглаб, қуйидагиларга асосан тақдимномани қаноатлантиришни лозим топди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 1-қисмида, “Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланиши мумкинлиги, шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкинлиги”, ушбу модданинг 2-қисмида, “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланиши”, ушбу модданинг 3-қисми “б” бандида, “оғир жинояти учун, шунингдек қасдан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши” кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 536-моддаси 1-қисмида, “ЖКнинг 73 ва 74-моддаларида назарда тутилган ҳолларда жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланиши” кўрсатилган.

Суд, маҳкум У.Юлдашев тайинланган жазонинг ярмидан кўпроғини ўтаганлигини, ахлоқан тузалиш йўлига ўтиб, тайинланган жазодан тўғри хулоса чиқариб олганлигини, жазони ўташ даврида жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини инobatга олиб, тақдимномани қаноатлантиришни ва У.Юлдашевни ўталмай қолган 1 йил 6 ой 8 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни, ажримни ижро қилиш учун Олтинсой туман ИИБ га юборишни лозим топди.

Суд, маҳкум У.Юлдашевга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Уқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 536-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Олтинсой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум **Юлдашев Убайдулла Менгбайович** ўталмай қолган 1 йил 6 ой 8 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажрим ижро қилиш учун Олтинсой туман ИИБ га юборилсин.

Маҳкум У.Юлдашевга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кун муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига хусусий тартибда шикоят беришга, прокурор хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Аслига тўғри;

имзо

М.Абдимўминов

